

**МАКТАБ ЁШИГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ТУРЛИ ХИЛ
МУСИҚА ФАОЛИЯТЛАРИГА ЎРГАТИШ ЙЎЛЛАРИ
МАҲАММАТОВ А.Н., МИРЗАЕВА. Г**

Бола ва унинг қобилиятларининг ўсиши катта киши томонидан уюштириладиган фаолиятда: қўшиқ, ритмика, музика тинглаш ва музика асбобларини чалишда содир бўлади. Болалар ўзларининг мусиқа эшишиш тажрибалари асосида ўз тасаввурларини қўшиқ, ўйин, рақс ижодида намоён қилишга ва музика саводининг оддий элемантларини эгаллашга қодирдир. Шу билан бирга бола фаолиятининг ҳар бир тури умуман музика қобилиятларининг ўсишига, маҳсус қобилиятларнинг шаклланишига, масалан: кушик айтиш, ашулачилик овози ва куй қобилиятининг таркиб топишига ёрдам беради.

Буларнинг барчаси турли ташкилий формаларда: машғулотларда, ўқишдан ташқари ишларда (болалар боғчаси хаетида музика) ва мустақил фаолиятларида бўлиб ўтади.

Барча болалар билан бир вақтда ва музика амалиетининг барча турлари бўйича режали олиб бориладиган машғулотлар ишнинг энг муҳим формаси ҳисобланади. Педагог ўз ишини режалаштирас экан, болалар билан бўладиган ҳар бир учрашувнинг аниқ вазифалари унга равшан бўлиши керак, ўқув материалларини бутун ўқув даврига тақсимлайди. У бутун жамоага мурожаат машғулотини динамик, варианtlаб олиб боришга, болалар эътиборини усталик билан бошқа томонга буришга, унга ижро этилаётган музика характеристини тўғри идрок этишга йўллашга мажбур қиласди. Шу билан бирга машғулот ягона режа билан бириккан бўлиши керак.

Амалиёт жараёнида машғулотлар ўтказишнинг қуйидаги тартиби шаклланган. У болаларни тинглаш қобилиятини, эътиборини тўплаб

жамоани яхши уюштирадиган мусиқали – ритмик машғулотлардан бошланади. Шундан кейин болалар сокин, эътиборини четга қочирмай ўтириб, ашула айтадилар ва мусиқа тинглайдилар. Улар ўзларини, ўртоқларини, педагогнинг кўрсатмаларини тинглаб, ашула айтиш импровизациялари учун ижодий топширикларни бажарадилар, ўзларига яхши таниш бўлган куй ва қўшиқларни такрорлайдилар, янги қўшиқлар ўрганадилар. Машғулот охирига яқинлашганда тинч харакатлар билан якунланадиган ўйин, рақс, жамоалари билан куйлаш машғулотлари ўтказилади.

Мусиқали-эстетик тарбия бир қатор муҳим вазифаларни амалга оширади ва шу билан бирга бола ҳиссиётини ва фикрларини такомиллаштиради.

Болалар тинглайдиган ёки ижро этадиган мусиқа асарлари ўз характери, жанри, такрор баён қилиш усулларига кўра ҳар хилдир ва улар ўртасидаги алоқа ўхшашлиги ва фарқи, мувофиқ ва зидлигига кўра ўрганилади.

Мусиқа асарлари педагогик мақсадларда танланар экан, кўйидагиларга: мусиқа, қўшиқлар, текстлар характерида ва режали чолғу куй ва қўшиқларнинг нормаларида очиб бериладиган эмоционал-образли мазмунга, мавзуга йўналганликка;

- жанрга-лирик вазмин, қаҳрамона тантанали, ҳазил – қувноқ;
- структурасига - айрим қисмлар, иборалар муққадима, хотима.
- ифодали воситаларига - юқори ладдан эшитишга, регистр
- динамик темпли - ритмик тембрга эътибор бериш лозим.

Шундай қилиб, болалар мусиқа асарларини умумлашган ҳолда идрок этиш усулларини айнглайдилар ва ўзлаштириб олишларида муҳим восита хисобланади.

БОҒЧА БОЛАЛАРИНИ МУСИҚАГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ.

ҚУЛЖОНОВ. Б, КАМОЛОВА. Г

Бола учун мусиқа қувноқ кечинмалар дунёсидир. Унинг олдида бу дунёниг эшигини очиш учун унда қобилиятларни, энг аввало мусиқа охангларини тўғри қабул қилиш ва эмоционал илтифотлиликни ўстириш лозим. Акс холда музика ўзининг тарбиявий функцияларни бажара олмайди.

Илк болалигида кичкинтой бола мусиқани ўз атрофидаги товушлар, шовқинлардан фарқлайди. У ўз эътиборини тинглаган қуйга қаратади маълум вакт жим қолади, тинглайди, унга жилмайиш, ғуғулаш айрим ҳаракатлар билан жавоб беради, “ жонланишлар комплексини” намоён қиласди.

Катта болалар анчагина ўсган, психологик қобилиятларга эга бўладилар. Улар ҳодисалар ўртасидаги баъзи алоқаларни англайдилар, оддий умумлаштиришларни амалга ошира оладилар - масалан, мусиқа характеристини, ижро этилган куй ёки қўшиқнинг қайсиdir белгиларига кўра қувноқ, шодмон сокин ёки ғамгин эканлигини айтиб бера оладилар. Уларнинг ҳарактерига кўра турлича бўлган қўшиқларни қандай куйлаш кераклиги, тинч хороводда ёки ҳаракатли рақсда қандай ҳаракат қилиш кераклиги хақидаги талаблар ҳам тушунарлидир. Мусиқа қизиқишлиари ҳам шаклланади; фаолиятнинг у ёки бу турига яъни, мусиқа жанрига мойиллик билдирилади. Олти – етти ёшга келиб бадиий диднинг бошланғич куртакларининг намоён бўлиши - асарга ва унинг ижросига баҳо бера билиш қобилиятларининг намоён бўлиши-асарга ва унинг ижросига баҳо бера билиш қобилияти кузатилади.

Бу ёшда ашула айтиладиган овоз жарангдорлик, охангдорлик, харакатчилик касб этади. Боланинг диапазони тенглашади, вокал интонацияси анча барқарорлашади. Агар тўрт ёшли болалар ҳали ҳам катта киши қўллаб – қувватлаб туришига мухтож бўлсалар системали тарзда ўқитиш натижасида олти ёшли болаларнинг кўпчилиги мусиқа асбоби жўрлигисиз ҳам қуйлай оладилар.

Мусиқа машғулотлари давомида болаларнинг ҳатти – харакатлари, ўкув ва ижодий топшириқларни бажаришга йўналтирилади. Улар қуйлаш жараёнида ижрочилик малакаларини эгаллайдилар ва ўзларининг содда оҳангларини бадиха қиласидилар, турли рақсларни ижро этишда, турли рақс харакатларни бажаришда мусиқали ўйин образларини ўзларича ифодалашга уринадилар. Боғча болаларига куй ва қўшиқни қуйлатиш, ўйин ўргатиш ва турли ўзбек миллий чолғулари билан таништириш орқали уларнинг мусиқага бўлган қизиқиши, хаваси ортиб боради ва бу эса мухим восита бўлиб хизмат қиласиди.

КИЧИК ЁШДА БОЛАЛАРДА МУСИҚА САНЬАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

ТҮҒИЛОВ. Ў, ХАМИДОВА. Х

Бола шахсининг ҳар томонлама камол топиши эстетик тарбиянинг ахлоқий ақлий ва жисмоний тарбиянинг узвий алоқаси туфайли рўёбга чиқарилади. Ёявий – ахлоқий таъсирини амалга оширилишига тўғри ишлаб чиқилган ва болаларнинг ёш имкониятларига мувофиқ танланган репертуар ёрдам беради. Бироқ энг асосийси - мусиқанинг ўзига хос хусусияти туфайли шаклланадиган “Хиссиётлар мактаби” бўлиб тингловчида биргаликда хис қилиш туйғусини уйғотишдир.

Мусиқа машғулотларида билиш ва ақлий фаолиятлар хам активлашади. Болалар мусиқани диққат бериб тинглар эканлар кўп нарсаларни билиб оладилар. Бироқ, бунда улар мусиқанинг энг умумий хусусиятлари энг ёрқин образларинигина идрок этадилар. Агар боланинг олдига мусиқани эътибор бериб тинглаш, унинг ифода воситаларини фарқлаш, қиёслаш, ажратиш вазифалари қўйилган бўлса эмоционал муносабат ўз аҳамиятини йуқотмайди. Бу ақлий харакатлар бола хиссиёти ва кечинмалари доирасини бойитади ҳамда кенгайтиради, уларга онглиликни таркиб топтиради .

Мусиқали эстетик тарбиянинг гармониклигига мусиқа фаолиятининг мактабгача ёшдаги болаларга тушунарли бўлган барча турларидан, ўсиб келаётган инсоннинг барча имкониятларидан фойдаланилган тақдирдагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Шу билан бирга педагогикнинг вазифалари мураккаблаштирилар экан, болаларнинг ўзларига хос таъсирчанликларини сустеъмол қиласлик лозим. Мусиқа санъати, унинг ўзига хос хусусиятлари педагогнинг олдига бир қатор специфик вазифаларни ҳал қилишни кўндаланг қилиб қўяди:

- мусиқага муҳаббат ва қизиқиши тарбиялаш. Факат эмоционал таъсирчанликни ва мойилликни ўситиришгина мусиқанинг тарбиявий таъсирида кенг фойдаланиш имконини беради;

- болаларни муайян уюштирилган система ёрдамида турли хилдаги мусиқа асарлари ҳамда унда фойдаланиладиган ифода воситалари билан таништириб, уларнинг таассуротларини бойитиш;
- болаларда мусиқа ҳамда ашула айтиш, ритмика, болалар мусиқа асбобларини чалиш соҳасида энг оддий ижрочилик малакаларини шакллантириб, уларни мусиқа фаолиятини хилма - ҳил турларида қатнаштириш. Уларни мусиқа саводининг элементлари билан таништириш. Буларнинг барчаси болаларга онгли, бевосита, ифодали ҳаракат қилиш имконини беради;
- болаларга умумий мусиқа қобилиягини (сенсор юқори ладда эшитиш, ритмни ҳис қилиш қобилиятларини) ўстириш, хонандалик овози ва ҳаракатларнинг ифодалалигини таркиб топтириш. Агар мазкур ёшда болани актив амалий фаолиятга ўргатилса ва қатнаштирилса унинг барча қобилиятлари шакилланади ва ўсади;
- боланинг мусиқа дидини камол топишига ёрдам бериш . Мусиқа хақида олинган таъсир ва тасаввурлар асосида аввало ижро этилаётган асарларга нисбатан танлаш, сўнгра эса баҳолаш муносабатлари намоён бўлади;
- болаларда мусиқага, энг аввало - уларнинг бундай фаолиятлари учун қулагай бўлган мусиқа ўйинлари ва хороводларга образларни ифодалаш таниш рақс ҳаракатларида янги бирикмалар қўллаш, хиргойи қилиш каби фаолиятларга ижодий муносабатни ўстириш. Бу кундалик хаётда ўрганилган репертуардан фойдаланиш, мусиқа асбобларини чалиш, ашула айтиш, рақсга тушишларни қўллашдаги мустақилликни ташаббус, иштиёқни аниқлаш имконини беради. Бу имкониятларнинг намоён бўлиш кўпроқ ўрта ва катта мактабгача тарбия ёшдаги болалар учун мухим восита бўлиб хизмат қиласди.